

**“Юнусобод деҳқон бозори” акциядорлик
жамияти Кузатув кенгаши йиғилиши баёни**

2019 йил 17 июн

Тошкент ш.

Қатнашганлар

Кузатув кенгаши аъзолари:

М.Ирматов, Ф.Одилов, Л.Акбарходжаев, Ф.Тулаганов, А.Исроилов,
Т.Камолов, Н.Халилова

Йиғилишга Кузатув кенгаши аъзоси А.Исроилов раислик қилди, Баёни
Ш.Ирисов олиб борди.

Кун тартиби:

1. *Жамиятнинг Кузатув кенгаши раисини сайлаш ҳақида.*
2. *Жамият директорини сайлаш.*

Кун тартибидаги масалалар билан мажлис раиси А.Исроилов мажлис қатнашчиларини таништирди ва кун тартиби бир овоздан тасдикланди.

Мажлис раиси А.Исроилов биринчи масала бўйича сўзга чиқиб, жамиятда 2019 йил 14 июнда йиллик умумий йиғилиш ўтказилганлиги, йиғилишда Кузатув кенгашининг янги таркиби сайланганлиги, ушбу муносабат билан кенгашнинг раисини сайлаб олиш лозимлигини айтди ва кенгаш раиси этиб, “Муниципал активларни бошқариш маркази” ДУКнинг Бош директори ўринбосари, кенгаш аъзоси Л.Акбарходжаев номзодини таклиф этди.

Таклиф кенгаш аъзолари томонидан кўриб чиқилди ва маъқулланди.

Кун тартибидаги иккинчи масала бўйича М.Ирматов тушунтириш бериб, жамият директори Б.Латиповнинг меҳнат шартномаси акциядорларнинг 2019 йил 14 июндаги умумий йиғилишида узайтирилмаганлиги, шу муносабат билан жамиятга раҳбар тайинлаш масаласи тегишли ташкилотлар билан муҳокама этилиб, Ҳакимов Ботир Агзамович номзоди маъқулланганлигини билдирди.

Кенгаш аъзолари ушбу масалани кўриб чиқишиб, Ҳакимов Ботир Агзамовичнинг меҳнат фаолияти билан танишиб чиқишди ва эътироз йўқлигини айтишди.

Кун тартибида муҳокама этилган масала юзасидан

Қарор қабул қилинди

1. «Юнусобод деҳқон бозори» АЖнинг Кузатув кенгаши раиси этиб, “Муниципал активларни бошқариш маркази” ДУКнинг Бош директори ўринбосари, Кузатув кенгаши аъзоси Л.Акбарходжаев сайлансин.

2. «Юнусобод деҳқон бозори» АЖ директори вазифасини вақтинча бажарувчи этиб, 2019 йил 17 июндан Ҳакимов Ботир Агзамович тайинлансин.

3. Б.Ҳакимовга жамият фаолиятини Ўзбекистон Республикаси Вазирлар
Маҳкамасининг 2012 йил 28 июлдаги 253-сонли қарори ва бошқа меъёрий
ҳужжатларга мувофиқ юритиш вазифаси юклатилсин.

Мажлис раиси



А.Исроилов

Баённо олиб борди

Ш.Ирисов

Кузатув кенгаши аъзолари:



М.Ирматов



Л.Ақбарходжаев


Ф.Одилов



Ф.Тулаганов



Г.Камолов



Н.Халилова

Баённома 2019 йил 19-июн куни
имзоланди.